

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
4 ЖИЛД, 3 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА  
ТОМ 4, НОМЕР 3**

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART  
VOLUME 4, ISSUE 3**



<b>73. Choriyeva Charos Salomovna</b> MILLIY KOLORITNING TASVIRIY VOSITALAR ASOSIDA BERILISHI (METAFORALAR MISOLIDA).....	145
<b>74. Рузиева Зилда Мустафаевна</b> СПОСОБЫ ПЕРЕДАЧИ СЕМАНТИКИ РУССКИХ ПЕРФЕКТИВЫХ ГЛАГОЛОВ НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ.....	151
<b>75. Turakhodjaeva Mohiddil</b> BINOMIAL SYSTEM OF PLANT NAMES FORMED THROUGH EPITHET IN ENGLISH.....	159
<b>76. Raximova Umida Djumayevna</b> LISONIY SHAXS NUTQINING PRAGMATIK XOSSALARI.....	164
<b>77. Temirova Kamola Baxtiyor qizi</b> O'ZBEK MILLIY KINOQISSALARIDA MAQOLLARNING QO'LLANILISHI.....	170
<b>78. Шайбарданова Азиза Рамажановна</b> ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ СИСТЕМ (ПОТЕНЦИАЛ) ЛАКУНАЛАРИНИНГ ВОКЕЛАНИШИ.....	176
<b>79. Жамолдиннова Дилноза, Валиева Мухайё, Рахмоқуллова Наргиза</b> ТЕРМИН ВА КАСЪ-ХУНАР ЛЕКСИКАСИНИНГ ИНТЕГРАЛ ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЖИХАТЛАРИ.....	181
<b>80. Юнусов Норбек Хабибулло Угли</b> ГАЗЕТА ДИСКУРСИДА КРИМИНАЛ КОНТЕНТИНИНГ ВОКЕЛАНИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	187
<b>81. Сатволдиев Сирожиддин</b> АЛИШЕР НАВОНИЙ «НАЗМУ-Л-ЖАВОХИР» АСАРИДАГИ АРАБИЗМЛАРИНИНГ СТИЛИСТИК ФУНКЦИЈАЛАРИ.....	196
<b>82. Xidirova Iroda Xolmurzaevna</b> TOG'AY MUROD ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR NUTQIDAGI SOTSIOPRAGMATIK HOLATLAR.....	201
<b>83. Ergasheva Dilrabo Allanazarovna</b> ICHKI MONOLOG SHAXS RUHIYATINI TASVIRLASHNING ENG MUHIM VOSITASI.....	205
<b>84. Ali Kaljanov</b> THE HOMONYMOUS RESOURCES OF THE WORD PLAY IN THE MODERN KARAKALPAK LANGUAGE (based on materials of Karakalpak folklore).....	211
<b>85. Хажиева Феруза Милсонова</b> ЛАЙЛА ЛАДАМИНИНГ "THEMOOR'S ACCOUNT" РОМАНИДА ЛЕКСИК СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАР ТАЎЛИНИ.....	218
<b>86. Абдуллаев Махмуд</b> ПРОИЗВЕДЕНИЯ ЭПОХИ ВОЗРОЖДЕНИЯ МИРОВОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....	226
<b>87. Асадов Тулдин Хасроевич</b> БЕЛИГИ ИФОДАЛОВЧИ (-чи) -ларчи/часига, -чи, -она АФФИКСЛАРИНИНГ ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	231
<b>88. Қадирова Фаизлат Шукуровна</b> ТЕРМИНОЛОГИЯ ВА ТЕРМИНОСИСТЕМА ҲАҚИДАГИ НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ.....	237
<b>89. Laylo Buriboyevna Doliyeva</b> RUHIYAT TASVIRIDAGI COMME KOMPONENTLI QIYOSIY FRAZEOLOGIZMLAR SEMANTIKASIGA DOIR (fransuz til materialida).....	244
<b>90. Даришнова Гулчеҳра Кенжабаевна</b> ШАРЛОТТА ВРОНТЕ РОМАНЛАРИДА ЖАМБИЯТ ВА АЁЛЛАР MASALALARI.....	252

## СЎЗ САЊАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Асадов Тулкин Хамроевич,  
Бухоро давлат университети,  
Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.и.

### БЕЛГИ ИФОДАЛОВЧИ -ча/-ларча/часига, -ан,-она АФФИКСЛАРИНИНГ ТАБИАТИ ХУСУСИДА

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-87>

#### АННОТАЦИЯ

Маъмур мақолада мустақил маъноли ўзгармас сўзлар, яъни равишлар, хусусан, уларнинг этимологик таркиби ўрганилган. Шунингдек, равиш бўлиб шаклланган сўзларнинг морфологик, семантик табиати ёритилган. -ча/-ларча/часига, -ан,-она аффиксларининг сўз ясадаги имкониятлари, бу аффикслар билан боғлиқ сўзларнинг табиати, ҳар бир аффикснинг тил ва нутқдаги хусусиятлари кенг таҳлил ва тасниф этилган. Кейинги давр тадқиқотларида бутунги кунда сўз ясай олиш имконияти рад этилган -ча/-ларча/часига,-она аффикслари ҳақида батафсил маълумот берилган, уларнинг янги-янги сўзлар ясаши, бу аффикслар билан боғлиқ баъзи узувал, баъзи окказионал ясалмалар таҳлилга тортилган. Ҳар бир назарий фикр мисоллар билан далилланган.

**Танич сўзлар:** ўзгармас сўз, окказионал кўлланиш, плеоназм, адвербиализация, соддаланиш, семантик мезон, грамматик мезон, нутқий ясалниш, сўз ясаи модели, ўз ва ўлашма аффиксе, сўз ясаи имконияти.

Асадов Тулкин Хамроевич,  
Бухарский государственный университет,  
Доцент кафедры узбекского языковедения

### ХАРАКТЕРИСТИКА АФФИКСОВ -ча/-ларча/часига, -ан,-она ВЫРАЖАЮЩИЙ ЗНАК

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены морфологические и лексические признаки наречий. А также изучена их этимология. Возможности аффиксов -ча/-ларча/часига, -ан,-она при словообразовании, природа слов связанных с этими аффиксами, анализированы и классифицированы свойства каждого аффикса в языке и речи. В исследованиях следующей стадии дана полная информация об опровержении возможности словообразования при помощи аффиксов -ча/-ларча/часига,-она анализированы новые словообразования и некоторые узувальные и окказиональные производные связанные с этими аффиксами. Каждое теоритическое мнение доказано примерами.

**Ключевые слова:** неизменяемые слова, окказиональное применение, плеоназм, адвербиализация, специализация, семантические критерии, грамматические критерии, речевые производные, модель словообразование, заимствованные аффиксы, возможности словообразования.



**Asndov Tulkin Hamroyevich,**  
Associate professor of the  
department of Uzbek linguistics,  
Bukhara State University

**NATURAL CHARACTERISTICS OF EXPRESSING SIGN AFFIXES - *cha / larcha / chasiga, -an, -ona***

**ANNOTATION**

The article explores invariable words with independent meanings, i.e. adverbs, specifically, their etymological structure. The morphological, semantic nature of words formed as an adverb is also highlighted. The possibilities of the affixes *-cha / -larcha chasiga, -an, -ona* in word formation, the nature of the words associated with these affixes, the features of each affix in language and speech are thoroughly studied and classified. Subsequent research has provided detailed information on the affixes *-cha / -larcha chasiga, -an, -ona*, word formation possibility of which today are denied, their formation of new words, some usual and occasional constructions related to these affixes are analyzed. Each theoretical view is verified by examples.

**Key words:** invariable word, occasional use, pleonasm, adverbialization, simplification, semantic criterion, grammatical criterion, speech construction, word formation model, root and derived affix, word formation possibility

**Кирish.** Рашиш сўз туркуми нисбатан “кенжа” туркум бўлса-да, мазкур гуруҳда кўплав қадимги элементлар (сўз ясовчи, шакл ясовчи қўшимчалар) сақланиб қолган. Бу эса рашиш сўз туркумини таркибан мураккаблашиши, натижада зиддиятли талкиларни вужудга келишига сабаб бўлиб келмоқда. Туркий тилларда рашишлар таркибида сақланиб қолган қадимги қўшимчалар туркологияда ҳамда ўзбек тилшунослигида ўрганилган. Хусусан, Н.А.Баскаков [2], Н.К.Дмитриев [4], А.Г.Уломоў [3], В.Котвич[6] каби олимларнинг ишларида атрофлича тадқиқ этилган. Бу тадқиқот натижалари, А.Н.Кононовнинг ўзбек тили бўйича фундаментал грамматикасида[5], А.М.Щербақ ишида[9] умумлаштирилган.

Рашишлар таркибида учрайдиган *-ча* аффикси аксарият манбаларда, хусусан, “Ўзбек тили грамматикаси”да фаол рашиш ясовчи аффикс сифатида талкин этилган[10,529]. Зеро, замонавий тилшуносликда белги ифодаловчи *-ча* қўшимчали сўзлар (рашишлар)га ясама сўз сифатида қараш бир қадар ўзгарди, *-ча* морфемасининг сўз ясаш имконияти рад этилди [7;12]. Бироқ билдирилган талкину таснифларга қарамай, *-ча* аффикси ҳақидаги эътирофлар замонавий тилшуносликни қондириб келмоқда. Мазкур фикрнинг *-ларча, -часига* аффикслари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бу морфемаларнинг семантик, грамматик мезони тўла аниқланган эмас.

*-ча* қўшимчаси баъзи фонетик фарқлар билан барча туркий тилларда учрайдиган. Турколог олим Н.К.Дмитриев *-ча* аффиксининг келиб чиқиши – этимологияси ҳақида шундай ёзади: “...чакъ элементи дастлабки маъносидан чекинганда, кўмакчи грамматик элемент сифатида қўлланила бошланганда, ўзининг турғун шаклини ҳам йўқотган, кейинчалик *-к* тушиб қолиши натижасида унинг таркибида ушли говушлар ҳам ўзгаришга учраб, *-чакъ* шакли ўрнида *-ча/че* фонетик варианты вужудга келган”[4,47].

*-ча* ва у асосида ривожланган *-ларча, -часига* аффикслари асрлар оша тараккий этиб келатган, кўнгина сўзларга бириктириш ҳамда турли-туман маъноларни юзага чиқара олиш имкониятларига эга бўлган тил бирликлари саналади[1,45]. Бу ўрнида айтилган фикрларни ривожлантирган ҳолда яна айрим фикр-мулоҳазаларни баён этмоқчимиз.

Белги ифодаловчи *-ча, -ларча, -часига* аффикслари билан юзага келган сўзларнинг ясаллиш асосини шахс, шахснинг хилма-хил сифатлари – миллати, қариндошлиги, ёши, касб-корини таснифловчи отлар, нарса отлари, белги-хусусият ифодаловчи сифатлар ташкил қилиши кузатилади. Масалан: йигитча, ўзбекча, юлча, тирюкча, очикча, акаларча, оталарча, катталарча, деҳқонларча,ўзбекчасига, эскичасига, янгичасига, кассобчасига, япончасига ва ҳ.к. Белги ифодаловчи *-ча, -ларча, -часига* аффикслари билан ҳосил бўлган юқоридagi каби

сўзлар маъно ифодасида -ча аффиксинини мавқеи ставчилиги қилади. Аникроги, -ларча, -часига каби мураккаб шакллар ҳам тилнинг тадрижий ривожини маҳсули сифатида -ча аффикси орқали юзага келган. Шу сабабли -ларча, -часига аффикслари ҳақида сўзлашдан аввал -ча аффикси ва унинг грамматик табиатига аҳамият қаратмоқ лозим.

Равиш ясовчи аффикслар орасида энг кўп мунозарага сабаб бўлган -ча кўшимчасининг полифункционалиги грамматикада айрим чалқашликлар келиб чиқишига сабаб бўлиб келмоқда. -ча аффиксининг полифункционалиги унинг қадимийлигига ишора қилувчи далил бўла олади. Луғатларда -ча кўшимчани куйидаги сўзлар келтирилади: ўзгача, европача, фаргонача, ўртача, қискача, тубандагича, керагича, одатдагича, ўшандайлигича, бутунлигича, аввалгича, қадимгича, янгича, ўзинча, ўшандайинча, бутунлайинча, атрофлича, тегишлича, бутунича, тўғрилиқча, яхшилиқча, осонлиқча, кейинча, кўпинча, яширинча, ўғринча, аксинча, вақтинча, тегишинча, ўлгунча, озмунча, бирмунча [11,30-31].

Аҳамиятлиси шундаки, -ча аффикси бир қатор равишлар таркибида сўз ясовчи эмас, балки юклама вазифаси (таъкидлаш, кучайтириш маъноси)даги шакл бўлиб келади. Масалан, яширинча, очикча, ортиқча, юскача, бутунча, ҳозирча, бутунича каби сўзларда -ча кўшимчасининг белгисиз кела олиши ҳам (яширинча учрашмоқ – яширин учрашмоқ, очикча гаплашмоқ – очик гаплашмоқ, бутунча сабр қилмоқ – бутун сабр қилмоқ ва б.) мазкур аффиксининг шу каби сўзларда сўз ясовчилик табиатига соя солади. Юқорида келтирилган мисоллар -ча морфемаси билан бирга ҳаракат белгисини билдиришга мезърлашган ҳолос. Мана шу ҳолат бу сўзларни ясама равиш деб баҳолашга сабаб бўлган. Ҳозирча, бутунча сўзларида -ча вақт мезъерини четаралаб кўрсатиш учун қўлланган. Худди шу туфайли проф. Ш.Раҳматуллаев мазкур кўшимчани луғавий шакл ҳосил қилувчи аффикс (ўхшатиш шакли) деб баҳолайди [7,206]. Яширинча, очикча каби сўзларни яширин тарзда, очик ҳолда шаклида грамматик маънога тенг келиши ҳам бу кўмакчи морфеманинг айни сўзларда ясовчи эмаслигидан далолат беради.

Кейинги ҳолат шуки, -ча аффиксли бир қатор равишлар фақатгина тарихан асос ва кўшимчага ажратиши мумкин. Жумладан, анча, пича, ўларча, буинча, шуинча, ўшанча, аксинча, кабиларни ҳозирги кундаги тил қонуниятлари асосида морфемаларга ажратиб бўлмайди. Аникроги, бу каби адвербиализация ҳодисасига учраган сўзлар синхрон тилшунослик нуқтан назардан сўз ясовчи асос ва сўз ясовчидан иборат таркибга эга бўлмайди. Мазкур сўзларга соддаланиш маҳсули сифатида қараш лозим.

Дарелик ва қўлланмаларда -ча аффикси билан боғлиқ яна бир қатор сўзлар (Масалан: дўстча, душманча, кейинча, ўғрича, эркакча, айёрча ва ҳ.к., яъни -ча ургу олмаган ҳолатда) учрайдики, тилшунос олим Ё.Тоҳиев ўринли таъкидлаганидек [8], уларни адабий тил нормалари даражасидаги ясама сўзлар деб бўлмайди. Мазкур окказионал қўлланишдаги бу сўзлар дўстларча, душманларча, айёрларча, эркакларча, хотинларча тартида қўллангандагина гайритабиийликнинг олди олинган бўлади.

Савол туғилади. -ча аффикси соф маънода ясалтиш типини ҳосил қила оладими-йўқми? Бунда иккита сўз ясалтиш типини (қолипини) инобатга тутиш лозим. Бизнингча, булар сўз ясалтишига дахлдор ҳолат:

1. [нарса оти+ча=микдор маъноли равишлар]. Мазкур сўз ясалтиш қолипи ҳосилларини гуруҳига қилча, тирюкча, заррача, шунингдек, нисбатан янги, нутқий ясалмалар саналадиган қишлоқча, қушча, биноча, шаҳарча, тоғча, вагонча, самолётча ва ҳ.к. кабиларни мисол тартида келтириш мумкин.

2. [муайян бир халқ/миллат/жой номи +ча= ҳолат маъноли равишлар]. Бу қолип ўилаб, ҳатто юзлаб янги-янги сўзлар ясай олади. Жумладан, тошкентча, бухороча, самарқандча, гиждувонча, андижонча, шофирқонча, гузорча, хитойча, гуркча, африкача ва ҳ.к. Мазкур сўз ясаши қолипи шу қадар унингли, сермаҳсулки, дунёда нечта халқ, миллат, злат шаҳар (туман, маҳалла, қишлоқ...) бўлса, барчаси билан бирга янги сўз ҳосил қилиши мумкин. Демакки, ушбу қолип чексиз микдорда нутқий ҳосиллар юзага чиқара олади: андижончасига рақсга тушмоқ, бухороча қурашмоқ, гуризинча қуйламоқ ва б.



Иккинчи сўз ясаш қолини ҳосилалари -часига аффикси билан ҳосил бўлган сўзларга синоним (грамматик синонимия) бўлиб келади: андижонча – андижончасига, фаргонача – фаргоначасига, бухороча – бухорочасига, испанча – испанчасига каби. Бу қўлланишнинг иккинчи жуфтлигидаги -сига элементи плеонастик тарзда қўлланиб, маъно кучайтириш вазифасида келган.

Ҳар иккала қолин ҳосилалари ясама сўз бўла олади. Уларнинг ясамалигига асосий далил шуки, заррача, тирноқча, вагонча, бухороча, тошкентча сўзларининг маъносини зарра, тирноқ, вагон, Бухоро, Тошкент сўзлари маъноси ва -ча қўшимчасининг маъноси билан асослаб бўлади. Қолаверса, мазкур сўзларда деривациянинг яна бир асосий қонуни бўлмиш сўз ясаш асоси билан ясалма орасида денотатив маъновий фарқнинг мавжудлиги ҳам уларнинг ясама сўзлигидан далолат беради. Шу нуқтан назардан юқоридаги қолин ҳосилаларини эътирозсиз ясама равишлар дея баҳолаш мумкин.

Белги ифодаси учун ҳосил қилинган ва қўлланиши тивгловчига гайритабиий туюладиган айрим сўзлар (дўстча, душманча, айёрча, мутамбирча ва б.) равишга ҳос -ларча аффикси билан шакллансагина (дўстларча, душманларча, айёрларча, мутамбирларча), меъърий қўлланиш тилини ҳосил қилади. Чунки -ларча аффиксида -лар кўплик шакли маъноси сезилиб туради. Масалан, йигитларча меҳнат қилмоқ бирикмасида “барча йигитларга ҳос” маъно ифода мавжуд.

-ларча аффиксининг маъно ва грамматик жиҳатдан туталлик касб этиши узоқ тарихий тараққиёт билан белгиланади. Мазкур аффикс фаолияти давом этипти, -ларча янги-янги нутқий ясалмалар (муаллифлик исологизмлари) ни вужудга келтиришга хизмат қилаяпти. Бунга мисол тариқасида русларча, испанларча, хиндуларча, самурайларча, грузинларча, молдованларча қабиларни келтириш мумкин. Кузатамиз:

1. У бир умр самурайларча яшади, энг сўнгги дамгача. (З.Холов, “Маърифат” газетаси)

2. 2003 йилда ушбу кенжа турлар хиндуларча йўлбарс деб номланган. (Газетадан)

Келтирилган мисоллардаги -ларча аффиксли сўзларга кўра янги нутқий ясама сўзлар деб баҳо бериш мумкин. -ларча турли халқ (мат, миллат) номларига қўшилди келади ва предметлик белгисидан чекинди, белги-хусусият маъносига эга бўлади.

-часига аффикси ҳам белги ифодаси учун қўлланивчи сўзлар ҳосил қилади. Терс лугатда [11] мазкур аффиксли саккизта сўзнинг (мардчасига, тентакчасига, комсомолчасига, чанканчасига, ўтринчасига, дехкончасига, соддатчасига, очикчасига) олтичасида сўз ясаш асоси шахс отларидан иборат. Асоси шахс оти бўлмаган очикчасига, чалканчасига каби сўзларда -часига аффикси юклама (маъно кучайтириш) вазифасида келган.

-часига аффикси табиатан ҳам -ча аффикси, ҳам -ларча аффиксининг хусусиятини ўзида мужассамлаштирган, дейиш мумкин. Бу ҳол андижончасига, испанчасига, бухорочасига, тошкентчасига, фаргоначасига, киргизчасига, уйгурчасига, арманчасига ва ҳ.к. сўзларининг {муайян бир халқ/миллат/жой номи+часига= ҳолат маъноли равишлар} қолини ҳосилалари бўла олишида кўринади. Юқоридаги каби мисолларнинг қўлланиши шу тил вақиллари учун ҳеч қандай гализлик тугдирмайди. Тилимиз эгалари андижончасига сўзнинг эътирозсиз қабул қилганларидек, бухорочасига, тошкентчасига, испанчасига каби сўзларини ҳам бирдек қабул қиладилар, эҳтиёжга кўра қўллаб кетаверадилар.

Бир тилдан иккинчи тилга ўзлашиш нафақат лексемаларга, балки аффиксал морфемаларга ҳам ҳос хусусият саналади. Сўз ва қўшимчаларнинг ўзлашиши ижтимоий зарурат маҳсули сифатида баҳоланади. Ўзбек тилида ўзлашма аффикслар каторида -ан, -она шакллари ҳам келтирилади. Мазкур аффикслар равиш ясовчи сифатида талқин этилади. Бироқ уларнинг табиати ҳақидаги фикрлар йиллар давомида деярли ўзгаришсиз бир манбадан иккинчисига ўтиб келди.

Ўзбек тили лугат катламида -ан аффикси билан алоқадор таркибан, тақрибан, қалбан, жавобан, тубан, қасдан, воқсан, тадрижан, фаразан, мажозан, лафзан, аввалан, масалан, ҳаёлан, шаклан, аслан, расман, исман, қисман, умуман, таҳминан, айнан, вижлонан, чунонам, мазмунан, зоҳиран, фикран, эътиборан, тақроран, мажбуран, қиёсан, холисан, асосан, хусусан, нисбатан, одатан, табиатан, ҳурматан, заруратан, дафъатан, ҳақиқатан, тасодифан, лутфан,



тарихан, қатъийи, тамоман, мажбуран, рухан, шахсан каби сўзлар мавжудлиги кузатилади [11,119-121]. Мазкур сўзларни соф маънодаги ясалмалар дейиш мушкул. Чунки буларнинг асосини аниқ бир маъновий типдаги сўз туркуми билан четаралаб бўлмайди. Келтирилган мисоллардаги -ан аффиксидан олдинги қисм ҳам отлар (виждон, рух, фикран, тоҳир), ҳам белги ифодаловчи сифатлар (такрор, холис, қатъий), ҳам маъно ифодага эга бўлмаган сўзлар (айн+ан, тақриб+ан)дан иборат. Отлар маъно жиҳатдан турлича. Қолаверса, бу қилип яқин йилларда бирор бир (тасодифан ҳам) янги ясалма юзага чиқара олган эмас. Бу далиллар эса -ан аффиксли сўзларни ўзбек тилида шу ҳолича олинмалар сифатида қабул қилиш лозимлигини кўрсатади. Таркибида -ан элементи мавжуд 50 га яқин сўз ўзбек тили лексик қатлами тадрижий ривожини давомида араб тилидан тўғридан тўғри ўтган ёки форс-тожик тили орқали ўзлашган.

-ан аффиксли сўзларда сўз ясаш қилинишининг биринчи қисми (сўз ясашга асос бўлувчи лугавий морфема – лексема) ҳам, иккинчи қисм (лексема маъносини ўзгартирувчи қўшимча – ясовчи қўшимча)нинг ҳам фаолияти ўта чекланган. Аниқроғи, -ан аффикси янги нутқий ҳосил ясаши учун аввало муайян бир арабий сўз пайдо бўлиши лозим, шундагина қилип “жонланади”, ишлаш жараёни бошланади.

Худлас, -ан аффикси ўзбек тилида муайян бир сўз ясаш қилиниши шакллантира олмас экан, нутқда тайёр лексемалар тартида воқеалар экан, демак, -ан аффикси мавжуд барча бирликларни туб сўзлар сифатида баҳолаш лозим. Уларнинг асос ва қўшимчага бўлиниши аслида «сўз олувчи тил» (ўзбек тили) нутқан назаридан эмас, балки «сўз берувчи тил» (араб тили) фанний қарашлари асосида бўлиши лозим.

Нутқимизда форс-тожик тилидан ўзлашган -она аффикси билан ҳосил бўлган 80га яқин сўз кўлланади. Булар: беадабона, боадабона, адабона, муҳиббона, ғойибона, ғолибона, ғаройибона, рақибона, айбона, донишмақдона, риндона, мардона, ожғона, фожнона, гўдақона, дадилона, одилона, разилона, оқилона, жоҳиллона, мулоҳимона, олимона, эolimона, маъсумона, хоннона, паҳлавона, қаҳрамоннона, мажнунона, дилбарона, пайгамбарона, диловарона, фирибгарона, игвогарона, биродарона, камгарона, музаффарона, мутаққабирона, мағрурона, айёрона, мутомбирона, баҳодирона, ботирона, факирона, таҳқирона, моҳирона, хийлақорона, девқорона, риёқорона, тажавузқорона, маққорона, ситамқорона, исёнқорона, фидоқорона, халосқорона, ташаббусқорона, хиёнатқорона, санъатқорона, эҳтиётқорона, лутфқорона, намойишқорона, ошқорона, жиноятқорона, маъносона, мастона, дўстона, бадбахтона, бетарафона, заифона, харифона [11,22-24]. Бу каби сўзларнинг қўлланиши турли даражада.

-она қўшимчасининг тилимизга ўзлашиши нисбатан кейинги даврларга тўғри келади. -ан элементли сўзлардан фарқли ўлароқ -она қўшимчали ясама сўзлар ясалиш асоси маълум бир қатъий маъно гуруҳидаги сўзларга эгаллиги билан характерланади. -она аффиксли сўзлар ясалиш асосини сифат ва отлар ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, юқорида саналган сўзларни [сифат/от+она=ҳолат равишлари] қилини ҳосилалари деб қараш мумкин. Мазкур қилип ҳосилалари юқоридаги сўзлар билангина чекланмайди. Ўзбек халқи нутқда шарқона, ўзбекона, турқона, алпона, қодирона ва ҳ.к. каби сўзлар ҳам қўлланади. Тилшунос олим А.Ҳожиев бу каби (жумладан, сайрона, шекспирона каби) сўзларни окказионал (нутқий) ясалиш дея таъкидлайди. Олимнинг фикрича, бу каби ясалиш сунъий бўлиб, ясалишнинг меъёрий ҳолатига бўйсунмайди. [12,44]. Бизнингча, ҳар қандай ясама сўз дастлабки ҳолатда индивидуаллик қасб этиб, эшитувчи учун гайритабiiий туюлиши мумкин. Буни куйидагича изохлаш мумкин. Масалан, ишчи, сувчи, нончи, темирчи каби 1- гуруҳ ясама сўзлар (тил бирликлари)ни ананасчи, бананчи, пайнетчи каби 2- гуруҳ сўзлари (нутқ бирликлари) билан қиёслаганда 2-гуруҳ нутқий ясалмаларнинг гайритабiiийлиги сезилади. Зеро, вақт ўтган сари бу каби окказионал ясашиллар узуаллик қасб этиши табiiий ҳоддир. Буни тилнинг ижтимоiiийлиги билан боғлаш, баҳолаш мумкин. Қодирона (пафос), қаҳқорона, шекспирона ёки юсуфона (усул) каби нутқий ясалмалар илк даврида эшитувчига гайритабiiий туюлганлиги аниқ. Бироқ ҳар бир ясама сўз эҳтиёж маҳсули туфайли юзага келади. Мисолларни кузатамиз: 1) Гафур Гулом бежитга “қаҳқорона қисқалиқ” иборасини ишлатмаган. Абдулла Қаҳҳор бир



варақлик ҳикояларига ҳам бутун китобларининг завориди юқунин жо қила олади. (К.Азизов) 2) Шарқ ва Ғарбда яшаб ўтган кўнлаб мутафаккирлар асарларида ҳам навоиёна донишмандликни кўрамит (Р.Жабборов)

Маълум бўладики, -она аффикси шахс номларидан янги ясалмалар вужудга келтира олади. Демак, [шахс оти+она+ҳолат равишлари] қолгани фаолияти давом этяпти, дея хулоса чиқаришга асос бор. -она аффикси -ан аффиксидан фарқлича нафакат ўзи мансуб тил бирликлари (форс-тожикча сўзлар) дан, балки ўзга тил лексемаларидан ҳам сўз ясай олади. Масалан: чеховона, шекспирина, тоғолана ва ҳ.к. Мисолни кузатамиз: Буларнинг барчасига чеховона номик истехзо мавжуд (С.Саидмуродов)

**Хулоса.** Айтилган фикрлардан келиб чиқиб, -ча/-ларча/часига, -ан, -она аффикслари ҳақида қуйидагича хулосаларни баён этиш мумкин:

а) -ларча, -часига аффикслари -ча шакли асосида тараккий топган бўлиб, уларда -ча аффиксига ҳос хусусият мавжуд, шу билан бирга, маъкур мураккаб аффикслар алоҳида ривожланиши натижаси уларок ўзига ҳос табиатга, услубий фарқланишга эга бўлиб борган.

б) -ча/ларча/часига аффикслари ўзбек тилида янги-янги нутқий ясама сўзларни вужудга келтиришда хизмат қилмоқда:

в) ўзлашма саналган -ан аффиксли барча сўзлар ўзбек тили нуқтан назардан туб сўз саналиб, таркибан таҳлил ва изоҳга зарурат сездирмайди,

г) форс-тожик тилидан ўзлашган -она аффикси -ан шаклидан фарқли ҳолда ўзбек тилида янги-янги ясама сўзлар ҳосил қилишда интироқ этяпти. -она аффикси фаол сўз ясовчилар каторида бўлмаса-да, маъкур аффиксини ўрта унвумли сифатида баҳолаш мумкин. Бунда шахс номлари ясалмиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Асадов Т. Равишга ҳос айрим тарихий аффикслар хусусида//БухДУ илмий ахбороти. 2015, 1-сон, 44-47-б.
2. Баскаков Н.А. Историка - типологическая характеристика структура тюркских языков. - М.: Наука, 1975.
3. Гудимов А. Проблемы исторического словообразования в узбекском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. -Ташкент, 1955.
4. Дмитриев И.К. Наречие в татарском и русском языках. - Строй тюркских языков. - М. - Л., 1962.
5. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. - М.-Л., 1960.
6. Котвич В. Исследования по алтайским языкам. - М., 1962.
7. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili (darslik). -T.: Universitet, 2006.
8. Таджиев Ё. Аффиксальная синонимия в узбекском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. -Т., 1991.
9. Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Наречие, служебные части речи, изобразительные слова). -Л.: Наука, 1987.
10. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. -Т.: Фан, 1975.
11. Қўнгуоров У., Тихонов А. Ўзбек тилининг терс дугати. - С., 1968.
12. Ҳожиев А. Ўзбек тилида равиш ясалмиш тизими масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, 2-сон, 41-44-б.